

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИГА ТАЯНИШ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Шахризод Шокиров

**“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институтини” Миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни
бошқариш институтини мустақил тадқиқотчиси**
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8245444>

Ижтимоий ҳаётда жамоатчилик фикри плюралистик ёндашувда шаклланиши мақсадга мувофиқдир. Худди шундай фикрни шакллантиришда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг ролдан бугунги кунда жамиятимизда ўз фаолиятини тегишли даражада бажараётган ҳуқуқ тартибот идоралари, блогерлар, диний муассаса вакиллари ва маҳалла институтлари эканлиги юқорида аниқланди. Ушбу кўрсатиб ўтилган идора ва муассасалар дарҳақиқат ўз фаолиятларини бошқа кўрсатиб ўтилган институтларга нисбатан бажара олаётганлигини барчамиз гувоҳи бўлмоқдамиз. Аммо, қолган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ундай деб айтолмаймиз.

Ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қиладиган ахборот хизмати аввало ўша жамоатчиликни аниқлаб олиши ва муттасил равишда уларнинг фикрларини ўрганиб бориши лозим. Қайсики ташкилот жамоатчилик билан алоқаларни узвий равишда йўлга қўймаса, унинг фаол жамоатчилиги бўлмайди. Яъни, одамлар уни ташкилот сифатида тан олмайди, зарур пайтда қўллаб-қувватламайди. унда ташкилот ва унинг жамоатчилиги тенг ҳуқуқли ва ўзаро боғлиқ эканини унутмаслик лозим.

Жамоатчилик билан алоқалар ўрнатаётган ташкилот ўз фаолияти давомида шундай иш қилиши керакки, унинг дастурлари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотсин. Ахборот хизмати жамоатчиликка шуни кўрсата олиши керак. Яъни, жамоатчилик шу ташкилот фаолиятига қизиқсагина унга эътибор беради. Акс ҳолда, у ҳақда етарлича ахборот ё маълумотга эга бўлмаса, жамоатчилик бепарво ўтиб кетаверади. Ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқаларини узвий боғлаб турадиган масъул шахслар – матбуот котиби ва Ахборот хизмати ходимлари ҳисобланади. Ахборот хизмати қанчалик самарали фаолият кўрсатса, ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқалари шунчалик мустаҳкамланиб бораверади.

Бугунги кунда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, блогерлар, сиёсий партиялар, маҳалла, нуронийлар, оила каби ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг ролини ифодалашда асосий бўғинни ҳосил қилмоқда. Улар жамоатчилик фикрини ривожланишида тизимли ва самарали механизмлар йиғиндисини ҳосил қилмоқда. Зеро, жамоатчилик фикрининг негизида жамоа нуқтаи назари туради ва у ҳар жиҳатдан мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Жамоа аъзоларининг муносабатлари нечоғли мустаҳкам ва бирдам бўлса жамоатчилик фикри ҳам кучли бўлиб бораверади. Демак, жамоатчилик фикри динамик тушунча сифатида бир нуқтада қотиб қолмайди ва у муттасил ривожланиб, ўзгаришларни бошидан кечиради.

Ижтимоий адолат тамойилига риоя этиш жамоатчилик фикрини ифодалашда фаоллик кўрсатаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик

фикрининг роли амалга оширилаётган жамоатчилик назоратини қонунийлигини таъминлайди. Бунда аҳолининг мурожаатлари ва сўровларининг мониторинги амалга оширилади. Хусусан, давлат бошқарув органларининг ҳисоботлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби институтлар томонидан амалга оширилади. Бунда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг ролининг ютуғи ижтимоий воқеа ҳодисаларни танқидий кўриб чиқиш ва хато ва камчиликларни жойида тузатиш учун аниқ мақсадли фаолиятни таъминлашга хизмат қилади.

Жамоатчилик фикрини ифодалашда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг роли шаффофлик мамлакатимизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг ролини шакллантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Фуқароларда давлат ва жамият ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини ортиб боришига хизмат қилади. Шу сабабли жамоатчилик фикрини ифодалашда натижа бош мезон саналади.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг роли давлат ва фуқаролар ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Улар халқнинг ҳокимиятдан, ҳокимиятни эса халқдан узилиб қолишини олдини олади. Ҳокимиятни муайян гуруҳлар қўлида концентрациялашувига тўсқинлик қилади ва давлат фаолиятида очиқлик сиёсатини таъминлайди. Давлат ҳокимияти ва халқ ўртасида уйғунликни таъминлаш орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг ролини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишни жамоатчилик фикрининг роли орқали шакллантириш ва инсон қадрини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, мамлакатимизда ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда Янги Ўзбекистон руҳига мос ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишда жамоатчилик фикрини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини шакллантиришда жамоатчилик фаоллигини ошириш жараёни фаол кечмоқда. Бу борада кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни аниқлаш, таснифлаш ва муҳокама қилиш, уларнинг амалий ечимини топишда давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик фаолияти узлуксиз ривожланиб бормоқда. Албатта, жамоатчилик фикри билан ишлаш механизмларини такомиллаштиришда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш жараёни амалиёт билан боғлиқ тарзда олиб боришни тақозо қилади.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг шакллантиришда муҳим бўлган мамлакатимиздаги ўн мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоатчилик фикри билан ишлаши, аҳолининг ўзига тўқ, ўрта қатлам ҳамда ижтимоий ночор қатламларининг манфаатларини ифодалашда фаоллиги кучайиб бормоқда.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг таъсири бўйича хорижий тажрибани уч гуруҳга бўлиш мумкин.

- Америка Қўшма Штатлари ва Канада;
- Йеуропа иттифоқи давлатлари;
- Узоқ ва Яқин Шарқ (Япония, Корея, Малайзия ва Сингапур) давлатларидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг таъсирига доир тажрибалар.

Хорижий тажрибани ўрганиш ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишда жамоатчилик фикрининг юзага келадиган замонавий муаммоларни ҳал қилишга ҳам катта имконият яратади.

Айни пайтда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикри ролининг ривожланиши ва қўшимча равишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ташкил топишига олиб келади. Жаҳондаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривожланиш тенденцияларини, тажрибаларини таҳлил қилганимизда ўзига хос институционаллашув ҳолатини кўришимиз мумкин. Бу институциялашув шу мамлакат менталитети аҳолисининг жамоатчилик фикри ва жамияти муносабатидан келиб чиқади. Масалан: халқаро доираларда “ННТ” – нодавлат нотижорат ташкилотлар деб номланса, Буюк Британияда “нон-статуторий сестор” (қонуний бўлмаган сектор) ёки барча солиқлардан озод этилган сектор, Францияда ва Европа Иттифоқининг кўплаб давлатларида “*économie sociale*” (ижтимоий иқтисодиёт), Германияда – “*gemeinnützige Organisationen*” (инсонпарвар ташкилот), “*gemeinwirtschaftliche Unternehmen*” (давлат хизматлари компанияси), Чехияда “общанский сестор”, яъни фуқаролар сектори деб аталиб келинган [1, - Б. 62].

Америкалик сиёсий таҳлилчи Лондонда жойлашган MORI (Market & Opinion Research International Ltd) компанияси асосчиси Роберт Вустер жамоатчилик фикрини ўрганишда қўлланиладиган фикр, муносабат ва қадриятлар тушунчаларининг таҳлилига нисбатан муҳим метафорик тавсиф олган. “Жамоатчилик - кайфиятининг турли даражадаги тўлқинлари ҳисобланиб, аста-секин ўзгариб туради, лекин улар кучли қадриятдир” фикрлар еса “жамоат онгида барқарор жойлашади ва нисбатан секин ўзгаришга мойил бўлади” деб таъриф беради. Вустернинг фикрича, жамоатчилик фикрини тушуниш санъати нафақат одамларнинг қарашларини ўлчашга, балки бу қарашлар ортида турган мотивларни ҳам тушунишга асосланишини таъкидлайди [2, - Б. 79-80].

Франциялик социолог Мишел Креспи ўз тадқиқотларида жамоатчилик фикри ҳодисасининг стандарт концепцияси бўлмаслигини таъкидлайди. Унинг таснифлашича, жамоатчилик фикри тўртта ижтимоий омилларнинг бирлашиши натижасида ривожланиб, қуйидаги ўзига хос муносабатлар тизимини таркиб топтиради:

- қадриятлар ва манфаатлар;
- билим ва эътиқод;
- ҳис-туйғулар;
- хулқ-атвор ниятлари (яъни, маълум бир тарзда ҳаракат қилиш учун онгли мойилликдир) нинг бирлашиши катта ва кичик гуруҳларда ижтимоий яқдиллик руҳи шаклланади [3, - Б. 70-76].

Шу боисдан ҳам, жамоатчилик фикри моҳиятини англашда энг муҳим тушунча қадриятлар энаклиги ва уларнинг одамларга маълум бир мавзу бўйича ўз фикрини бошқаларга уйғунлаштиришга асос бўлишини эътиборга олиш зарур. Умуман олганда, инсонлар ўзларининг қадриятлари буни талаб қилишини тушунганларидан сўнг уни бажариш эҳтимоли кучаяди. Қадриятлар илк маротаба оила муҳитида ўргатилиб, сўнгра ўқув даврида кучайтирилади. Инсонлар ёши улғайгани сайин қадриятларга кўпроқ таяна бошлайдилар ва уни ўзгартиришни истамай қоладилар. Қадриятларга

жамиятдаги ички қоидалар, урф одатлар, анъаналар, диний эътиқодлар, сиёсий қарашлар, ахлоқий меъёрлар ва бошқалар мужассамлашади. Вустернинг тажрибаси шуни кўрсатадики, “Қадриятлар оддий ишонтириш ва оммавий ахборот воситаларининг таъсирига нисбатан таъсирлироқ бўлиб, улар битта аргументдаги позициялар ёки далиллар натижасида камдан-кам ҳолларда ўзгаради” [4, - Б. 79-80].

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг роли фаолиятига таъсир этувчи ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий омилларга кучли катализатор сифатида намоён бўлади. Маълумки, муаммонинг тан олиниши билан унга бўлган жамоатчилик муносабатидан бошланади. Муаммога нисбатан жамоатчиликнинг муносабати йетарли миқдордаги аҳоли табақалари вакиллари томонидан маъқуллансагина жамоатчилик фикри шаклланган ҳисобланади. Жамоатчилик фикрининг фаол амал қилиши ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг халқ ва давлат ўртасидаги ижтимоий кўприк сифатида фаолият юритишини яхшилайдди.

Шуни ҳам такидлаш керакки, одамлар одатда ўз муносабатларини ўзлари мансуб бўлган ижтимоий гуруҳларга ёки ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг ролига мослашишга мойил бўлишади.

XV асрда уйғониш даврининг бошланиши ва XVI асрда юзага келган протестантизм ғояларининг кенг ёйилиши жамиятдаги муаммоларга ёндашувнинг янги шакллари яратиб, эркин фикр билдиришнинг илғор талқинлари вужудга келишига асос бўлди. Ана шу ўзгаришларга мос равишда жамоатчилик фикри ҳам жамият тараққиётига реал таъсир этувчи кучга айланиб борди. Жамоатчилик фикри XVIII аср охири ва XIX аср бошларига келиб илк карра маиший, иқтисодий, диний йўналишлардан сиёсий муаммолар доирасида шаклланиш босқичига кўтарилди. 1793 йидаги Франция революцияси, 1848 йилдаги Германияни бирлаштирувчи сиёсий жараёнлар, Австро – Венгриядаги ижтимоий сиёсий воқеалар бунга мисолдир.

Ҳозирги кунга келиб эса ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳам тубдан ислоҳ бўлиб, ижтимоий тармоқлар, интернет саҳифалар ҳал қилувчи кучга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28-январдаги ПФ-60 - сонли фармонида ҳам ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг роли, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган мазкур фармонга асосан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг ролига давлат органлари фаолиятини шаффофлигини таъминлаш мақсадида ҳисобот бериб бориши, жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг қийнаб келаётган муаммоларини бартараф этиш, уларнинг молиялаштиришни етти баравар кўпайтириш, коорупцияга қарши курашишда жамоатчилик билан бирга ҳамкорликда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг роли орқали ҳамкорлик ўрнатиш ва бошқа бир қанча мақсадлар илгари сўрилган [5].

Давр тақозосига кўра оммавий ахборот воситалари шаклан ёки тузилмавий жиҳати ўзгарсада ахборот тарқатувчи воситалар ўзининг ижтимоий аҳамиятини йўқотмайди. Ҳар бир ахборот ўша жамиятнинг маънавий, интеллектуал қиёфасини белгилайди. Бундан кўринадики, оммавий ахборот воситалари фақатгина жамиятда маънавий – маърифий устқурма сифатидагина эмас, балки жамоатчилик фикрини шакллантиришда ҳам асосий ўрин эгаллаши ва ижтимоий мавқеини оширишини унутмаслик керак [6, - Б. 192].

Шу боисдан ҳам, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва ўзини ўзи бошқариш органлари каби ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олувчи инфратузилмалар учун жамоатчилик фикрининг родини такомиллаштириш устувор ижтимоий-сиёсат сифатида белгиланди. Дарҳақиқат жамоатчилик фикри жамиятдаги асл муаммоларини аниқлаш, уларга мақбул ечим топишда энг халқчил ва демократик ёндашув ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда жамоатчилик фикри концентрациялашаётган энг улкан ислоҳот бу бош қомусимиз Конституцияни ислоҳ этилишидир. Бу катта ижтимоий феномен фуқароларнинг фаоллиги оширибгина қолмай барча ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг ҳамма жабҳаларда кенг кўламда фаоллик кўрсатишига ундамоқда. Табиийки, мамлакатимиз ва ҳар бир фуқаронинг ертанги куни қандай бўлиши борасида жавоб кутаётган фуқаролар албатта биринчи ўринда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари каби ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг роли самарадорлиги ошишига умид боғламоқда.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари конкрет социологик усуллари орқали аниқлаб берувчи жамоатчилик фикрини назорат қилиш институти қатор ривожланган давлатларда ташкил етилган. Бундай институт фаолиятдан халқаро ва хорижий тажрибалар асосида фойдаланиш бўйича қуйидаги зарурат мавжуд:

- ижтимоий давлат концепциясини шакллантириш нуқтаи - назаридан давлат ҳокимияти органлари устидан фуқаролик жамияти назоратининг зарурлиги;
- ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг родини интегрциялаш негизида жамоатчилик фикри таъсирчанлигини ошириш зарурлиги;
- ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг асосий тамойиллари, мақсад ва вазифаларини жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда рационал ташкил этиш зарурлиги билан изоҳланади.

Ривожланган Ғарб мамлакатларида давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик фикри орқали ижтимоий назорат ўрнатилганлиги мазкур воқеликнинг ҳаётчанлиги ва уларнинг узоқ тарихга эга эканлиги ҳамда кўплаб тажриба ва усуллари такомиллашганлигида кўришимиз мумкин.

Замонавий Ғарб сиёсий тилида “жамоатчилик назорати”нинг таржимасини бошқача талқинини “шаффофлик” ва “иштирок этиш” деган жумлаларга кўзимиз тушади. Бу сўзлар, айниқса, Барак Обаманинг машҳур “Шаффофлик Меморандуми” [7] да эълон қилинганидан кейин мамлакатда энг оммабоп иборалардан бирига айланди. Бугунги

кунда давлат ва жамият олдигаги энг катта маъсулият бу барча фаолиятлардаги “шаффофлик” ва фуқароларнинг “иштироки”. Бу икки омилнинг таъминланиши Ғарб демократик назариясида “жамоатчилик назорати” деб юритилади [8, - Б. 5].

Америка Қўшма Штатларидаги Миллий Ҳаракат “Опен Говернмент Партнершип” [9] (Очиқ Ҳукумат Ҳамкорлиги) ташкилоти режасининг муқаддимасига мувофиқ, давлат органлари қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- фаолиятида шаффоф бўлиш - бунинг учун эса бошқарув фаолияти ҳақида имкон қадар тўлиқроқ маълумотни аҳолига ўз вақтида тақдим этиш ва осонликча етказиш керак;
- фуқароларни қарорлар қабул қилиш жараёнларига тобора кўпроқ жалб қилиш - чунки бу давлат ташкилотларини янада самарали ва масъулиятли қилади;
- ҳалолликнинг энг юқори стандартларини амалга ошириш - чунки давлат хизматчилари ўзларига эмас, балки халққа хизмат қилишлари керак эканлигини англайди;
- технологиялардан унумли фойдаланиш - чунки у имкониятни кенгайтиради ва ҳозирги рақамли асрда аҳолига ахборотларни ёйиш ва жалб этишда аҳамиятли рол эгаллайди” [10].

References:

1. Saidov S. Ijtimoiy kapital - fuqarolik jamiyatning muhim mezon. “Kafolat print company” Toshkent: 2019 йил, 62 - бет.
2. Robert M. Worcester. The Internationalization of Public Opinion Research. The Public Opinion Quarterly. Vol. 51, 1987, pp. 79-80
3. Crespy, M. Violência e controle da informação. Revista FAMECOS, 13(29), 2008., pp. 70-76.
4. Robert M. Worcester. The Internationalization of Public Opinion Research. The Public Opinion Quarterly. Vol. 51, (1987), pp. 79-80
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi 2022 yil 28-yanvardagi PF – 60 – sonli farmoni.
6. Jalilov A., Muhammadiev U., Jo'raev Q. Fuqarolik jamiyati asoslari: o'quv qo'llanma / Toshkent: 2015 y., 192-bet. <https://www.archives.gov/files/cui/documents/2009-WH-memo-on-transparency-and-open-government.pdf>
7. Прозрачность и участие: общественный контроль в США и Европе. Аналитический доклад Фонда открытой новой демократии. М., 2013.С.5.
8. <https://www.opengovpartnership.org/about/>
9. Иванов В. Открытая закрытость. Американские спецслужбы получили новый Совет // URL: http://nvo.ng.ru/realty/2016-05-13/5_sovet.html (дата обращения: 01.01.2019).
10. Барак Обама Change We Can Believe In Подробнее на livelib.ru: <https://www.livelib.ru/work/1005211042-change-we-can-believe-in-barak-obama>.